

Э. Ртвеладзе

Древние

МОНЕТЫ

Средней Азии

Э.Ртвеладзе

Ўрта Осиёнинг
қадимги
тангалари

E.Rtveladze

The ancient
coins
of Central
Asia

Тошкент
Фаур Фулом
номидаги
Адабиёт ва санъат
нашриёти,
1987

Э.Ртвеладзе

Древние

МОНЕТЫ

Средней

Азии

Ташкент
Издательство
литературы и искусства
имени Гафура Гуляма
1987

234

P 4903010000—52 203—84
M352(04)—87

© Издательство литературы и искусства
имени Гафура Гуляма, 1987 г.

Муаллифдан

Қадимги тангани мен биринчи марта Ставрополь ўлкасининг Зеленчук станицасидаги мактабда ўқиб юрган чогимда кўрган эдим. Фалати либосга бурканган бир одамнинг кўкси билан туширилган тасвири ва унинг кўкиши занг остидан қабариб акс этиши бу тангани кўзимга қандайдир сирли ва жозибадор қилиб кўрсатарди. Мен ўшанда дунёдаги энг қадимги танга шу бўлса керак деб ўйлагандим. Орадан анча вақт ўтгандан кейин бу танга эрамиздан аввалиг 525-565 йиллар Византияда ҳукмронлик қилган император Юстиниан I даврига мансуб эканини билдим. Менинг тарихга, археологияга, географияга ҳавасим ҳам худди мана шундан бошлиган эди.

Кисловодск шаҳрида истиқомат қила бошлиганимдан кейин археологик экспедицияларда иштирок этдим, сўнг В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлатуниверситетининг тарих факултетидаги археология кафедрасига ўқишига ўтдим. Ўша пайтда кафедрани йирик совет археологи профессор М. Е. Массон бошқарар эди. Илм борасида мен уни ўзимнинг энг меҳрибон устозим деб биламан ва биринчи галда Ўрга Осиё тангашунослик илми (илми маскукот)даги ўз камтарона ишларим самараси учун ундан ҳамиша миннатдорман.

Михаил Евгеньевич Ўрга Осиё тангашунослиги бўйича маҳсус дарслар яратган биринчи олим бўлиб, узоқ муддат мобайнида (1935-1965) унинг ўзи студентларга таҳсил берди. Афсуски, олимнинг бу дарслари китоб ҳолида чоп этилмай қолиб кетди, шунга қарамай, ўрга осиёлик олимларнинг бир неча авлоди фақат шу дарслари орқали тангашунослик илмидан воқиф бўлдилар.

Тангашунослик тарих илмининг энг мураккаб қисмидир: қадимий тангаларнинг асл қимматини белгилаш, уларнинг тарихийлик хусусиятларини очиб бериш учун археология, антропология, маданият ва дин тарихи, тилишунослик, ҳатто математика сингари талай ижтимоий, илмий билимларга эга бўлиш тақозо этилади.

Шундай бир мисол келтирмоқчиман. Эрамиздан аввалиг V — IV асрларда Ўрга Осиёнинг қатор вилоятларида тамғали сосонийларнинг тангалари кенг тарқалган эди. Улардаги ёзувлар ўрга форс тили — паҳлавийча бўлиб, тамғалардаги ёзувлар эса бақтрия ва сўғд тилларида битилган. Бу тангаларни ўрганиб чиқиши учун тангашунос тадқиқотчи, табиити, мазкур тиллардан боҳабар бўлиши лозим. Аммо бу масаланинг бир томони холос. Тадқиқотчи танганинг иқтисодий аҳамияти, унинг аниқ вазнини билиши, химик анализ ўтказиши, турли вазнларнинг мураккаб графигини чизиш, унинг тарқабий қисмидаги у ёки бу металлнинг қай миқдорда эканлигини аниқлай олиши ҳам керак. Кейин аниқланган маълумотларни мавжуд маълумотларга таққослаб, танга ҳақида аниқ хулоса берадиган мураккаб таҳсил ўтказилади. Шундагина танга тарихининг қайси даврига оид эканлиги, унинг вазн залвори, аниқланган барча ўзгаришлар замирида нима ётибди, сиёсий вазият тангми, пул қаллоблар томонидан ишланганми йўқлиги аниқланади.

Шундан сўнг вазиilar графиги тузилиб, танга зарб этилганда қанча штемпель¹ ишилатилгани ҳисоблаб чиқилади. Тангашунослик илми пул, мол муносабатларининг тарихини ўрганишида, шунингдек умумий тарихни ўрганишида ҳам аҳамияти катта. Ахир, кўп тарихий даврлар ҳақида қўллэзма манбалар бутунлай йўқ, бор бўлганлари ҳам тўлиқ маълумот беролмайди. Ўрга Осиёнинг қадимги ва ўрга аср тарихини тангашунослик материалларисиз ёзиш асло мумкин эмас.

Тангани жажжи ёзма манба деса бўлади. Тўғри, у қўллэзма сингари тафсилотли эмас, аммо холисликка келганда танганинг олдиға тушадигани йўқ. Гап шундаки, қўллэзмалар асрлар давомида бошқалар томонидан ўзгартирилар, қайта кўчириб ёздирилар, айрим сўзлар ва ҳатто жумлаларнинг маъноси аслидан узоқлашиб кетарди. Тангаларга зарб этилган ёзувлар эса қандай бўлса шундайлигича сақланиб қолаверарди.

Ўрга Осиё тангашунослигига оид талай мақолалар, китоблар чоп этилган, аммо кенг китобхон оммасига мўлжалланган нашр ҳалигача йўқ. Қўлингиздаги рисола шу камчиликни қисман бўлса ҳам тўлдиради деган умидамиз. Рисоланинг дебочасида биз қадимги ҳамда ўрга асрлардаги Ўрга Осиё тангашунослигининг мураккаблиги ва ранг-баранглиги ҳақида сўз юритмоқчимиз. Агар бу рисолани ўқиб чиққан китобхон қадимги тангаларни халқ маданияти тарихига оид муҳим ёдгорлик деб қадрласа, демак биз мақсадга эришган бўламиз.

Бу рисоланинг ёзилиш жараёнида мен Совет ва чет эл мугахассисларининг Ўрга Осиё тангашунослигига оид фикр-мулоҳазалари ва материалларидан фойдаландим: бу мугахассисларнинг фамилиялари адабиёт рўйхатидан келтирилган. Рисолада Давлат Эрмитажи, Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги санъатшунослик институти, Ўзбекистон Маданият министрлиги ва тошкентлик коллекционер В. Кучеров йиққан тангалар суратлари берилган. Уларнинг баъзилари гоят ноёбdir. Альбомдаги тангалар расмини тошкентлик археолог М. Х. Исҳоқов чизган. Машҳур совет тангашуноси Е. К. Зеймаль муаллифа ўзининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдиреди. Мазкур альбомни тайёрлашида ва нашр этишда яқиндан ёрдам берган барча ўртоқларга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

¹ Штэмпель — (қолип) танганинг ўнги ва терси нақш этилган асбоб. Штэмпель санаш аксариятказиналарда топилган тангаларни аниқлашда асқотади. (Тарж).

«Билишимизча... лидиялар энг биринчи бўлиб танга зарб этишган ҳамда олтин ва кумуш тангаларни мумомалага киритишган...»

Геродот

Мелоддан аввалги 45-йиллар Римда Тит Каризий магистрлиги даврида маъбуда Юнона ибодатхонаси қошидаги таксолда ўнгини бежирим аёл бошининг сурати безаб турган, остида «Монета» (Грек тилида «башоратчи») деб ёзилган динор пул зарб этилди. Аслида бу ном маъбуда сифатларидан биридир, кейинчалик Юнона Монета танга зарб этиш илоҳига айланади. Маъбуданинг дастлабки сифати эса ўшандан бўён металл пуллар номига нисбат берилиб, уларни монета деб аталган ва ҳозиргача шундай аталиб келинмоқда.

Рим динори зарб этилишига қадар тангалар бир неча асрли тарихий йўл босиб ўтишга ултурган эди. Жуда қадим замонлардан бери тангани афсонавий қаҳрамонлар ва маъбуллар яратади, деган ақида яшаб келар эди. Қадимги грек манбаларида танганинг келиб чиқиши ҳақида учта фараз борлиги қайд этилади. Биринчи фаразга биноан, тангалар илк бор Кичик Осиё давлати Лидияда зарб қилина бошланган, иккинчи фараз бўйича, кумуш тангани Аргосс подшохи Фидон кашф этган, учинчи фаразда, танганинг яратилиши Эолидадаги Кима шахрининг афсонавий шоҳи Мидаснинг хотини малика Гермодик номи билан боғлиқлиги айтилади.

Хозирги илмий маълумотларга кўра, зарб этилган танга мелоддан аввал *VIII-VII* асрда Кичик Осиёнинг Ионий соҳилидаги грек шаҳарларида (бу шаҳарлар ўша даврда Лидия ҳукмдорларининг тасарруфида эди) ва Эгина оролида пайдо бўлган.

Пулнинг пайдо бўлиши қадимги замонларда тараққий этган маданиятлар ижтимоий-иктисодий ривожланишларининг қонуний оқибатидан келиб чиқсан табиий ҳодисадир. Товар айрибошлишнинг узок ҳамда мураккаб жараёни ва чакана савдонинг ривожланиши товарпул ҳамда қимматбаҳо буюм (ёмби) ишлатиш босқичидан ўтиб, охир-оқибатда маъдан танга пайдо бўлишига олиб келди. Биринчи тангаларнинг ўнг ёки терсида уларнинг ўлчови тўғри, оғирлиги тўла эканлигини тасдиқловчи расм-муҳри билан қимматбаҳо буюмдан (ёмби) фарқланарди.

Расм-муҳрларда хилма-хил геометрик шакллар, ҳай-



Тит Каризий давридагы маъбуда Монета тасвири берилган Рим денарийи ва танга зарб қилиш учун ишлатилинг асбоблар.

Римский денарий Тита Каризия с изображением богини. Монеты и принадлежности для чеканки монет. 45 г. до н. э.

Denary of Roman mintage issued by Titus bearing an effigy of a goddess. Coins and mint accessories. C. 45 B. C.

вонлар, кушлар, балиқлар, шер, тошбақа, денгиз мушуги, бойёғли ва шу кабилар тасвирланарди.


Фақат орадан анча вақт ўтгандан кейин тангаларда ёзувлар, мелоддан аввал IV аср ўрталарида ҳамда Александр Македонский давридан бошлиб подшоҳлар ва маъбудаларнинг тасвири пайдо бўлди.

Лидияда биринчи тангалар электрдан — яъни олтин ва кумушнинг табиий қориши маси — «оқ олтин»дан, кейинчалик соғ кумушдан зарб этиларди.

Фақат машхур подшоҳ Крез (мелоддан аввалги 561-546 йил) — унинг исми беҳисоб бойликлар рамзига айланган — давридан кейин биметаллизмга (тилла ва кумушнинг бирга ишлатилиши) асосланган танга системаси татбиқ этилиб, бу система Эронда кенг тарқалган эди.

Қадимдан танга системаларида, масалан, Милет, Фокей, Эгин, Евбей системаларида ҳар бир вазн стандарти учун маҳсус зарб этилган турли номиналлар ишлатилиларди. Македониянинг гуллаб-яшнаши, қўли устун келиши ҳамда Александр Македонскийнинг давлати бунёд этилиши даврида тангалар номинали ягона нормага келтирила бошлианди. Бу вақтда танга зарб этишда асос қилиб 17, 44 гр тетрадрахм ҳамда 4,36 драхмли аттика системаси ишлатила бошлианди. Ўша даврдан бошлиб бир неча асрлар мобайнида аттика системаси Эллада давлатларида ҳамда Ўрта Осиёнинг жанубий районларида асосий система бўлиб келган.

Ўрта Осиё илк пул пайдо бўлган жойлар сирасига кирмайди: бунинг асосий сабаби — ижтимоий-иктисодий ривожланишининг сустлигидир. Бу ерда танга пайдо бўлгунга қадар талай асрлар мобайнида айирбошлиқ, савдонинг турли-туман, ҳатто қимматбахо буюм шакллари хукмрон эди. Аммо Ўрта Осиё ҳалқлари ўз территориясида мелоддан аввали биринчи минг йилликнинг сўнгти уч юз йиллигига пайдо бўлган маъдан пул хақида тасаввурга эта бўлмаган дейиш мутлако нотўғри. Мелоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиё қадимиги форс аҳамонийлар давлати таркибида бўлган. Бу давлатда эса мелоддан аввалги VI асрнинг иккинчи яримидан бошлиб то IV асрнинг 30-йилларигача олтин (дарик) ҳамда кумуш (сикл) тангалар зарб этиларди. Маълумки, аҳамонийлар қўшиналарининг асосий қисмини ўрта осиёликлар ташкил қилишган: сўғд, бактрия, хоразм ва сак аскарлари форс подшоларининг Гречияга қилган юриши



лариди фаол иштирок этганлар. Ўрта осиёлик жангчилар аҳамонийлар салтанатининг турли шаҳарларида гарнizon хизматини ҳам ўташарди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, ўша даврдаёқ Ўрта Осиё халқларининг кўпчилик қисми маъдан пулни яхши билган, аммо бу ердаги ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг маълум шарт-шароитлари туфайли бу пуллар савдо-сотиқ воситасига айланмай қолган. Ҳозиргача Ўрта Осиё территориясида мелоддан аввалги VII–IV асрларга оид далил қилиб кўрсатишга арзигулик танганинг бирон-бир намунаси ҳақида хабар йўқ. Ўтган асрда Карки (Туркманистон ССР) шаҳрининг атрофида аҳамонийлар давлатининг олтин дариги топилгани ҳакидаги мужмал хабар бундан мустасно. Қадимдан бу тангаларни «тирандоз» деб аташарди, чунки танганинг бир томонида тиз чўккан кўйи камон отаётган подшо ёки аскарнинг тасвири акс эттирилган.

Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, аҳамонийлар давлатининг олтин тангаларига берилган «дарик» номи мелоддан аввалги 522–486 йиллар хукмронлик қилган подшо Дорий Гистасп номи билан боғлик, чунки дастлаб бу тангалар ўша пайтдан бошлаб муомалага чиқарилган.

Мелоддан аввалги IV асрнинг учинчи чорагида курдатли аҳамонийлар салтанати Александр Македонский кўшинлари зарбасидан кулади. Мелоддан аввалги 330–327 йилларда қадимги замоннинг энг забардаст лашкарбоиси Ўрта Осиёни забт этиш билан банд бўлди. Туб ерлик аҳоли унинг ўша пайтдаги илғор кўшинларига қарши қаҳрамонона кураш олиб борди. Македонский кўшинлари шаҳар ва қишлоқларни горат қилди. Шунга қарамай, Ўрта Осиёнинг жанубий районлари Александр Македонский давлати, кейин эса унинг саркардаси Селевк ўрнатсан салтанат таркибига кўшишининг ижобий томонлари ҳам йўқ эмас эди. Бир қанча вақт ўтгандан кейин Ўрта Осиё Эллада давлати асоратига тушиб қолади: илғор грек маданияти шарқнинг энг олис нуқталаригача кириб боради, Эллада таъсиридаги мамлакатлар ўртасида мол айирбошлиш ва маданий алоқалар кучаяди.

Александр Македонский жангчилари ўзлари билан бирга муомаладаги тангаларини олиб келишлари шубҳасизdir, аммо улар ерлик аҳоли орасида урф бўлганмикан? Фанда бу фаразларни тасдиқловчи бирон-бир маълумот йўқ. Ўрта Осиё территориясида Александр

Қадимий Лидия тайга-лари. Эрамиздан аввалги VII–VI асрлар.

Древнейшие монеты Лидии. VII–VI вв. до н. э.

The earliest Lydian coins. VIIth-VIth centuries B. C.



Қадимий Лидия тангалари. Эрамиздан аввалги VII-VI асрлар.

Древнейшие монеты Лидии. VII-VI вв. до н. э.

The earliest Lydian coins. VIIth-VIth centuries B. C.

девлатига мансуб тангалар ҳам топилмаган. Сурати бизнинг рисоламизда берилаётган Александр Македонскийнинг тетрадрахмаси Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музеи фондидан олинганд бўлиб, Эллада тангашунослигига энг нодир нусхаларидан ҳисобланади. Унинг ўнг томонида қиёфаси Александрга ўхшаб кетадиган, арслон териси ёпинган Геракл, танганинг терс томонида кўлида күш тутган Зевснинг таҳтда ўтирган қиёфаси тасвириланган.

Александр Македонскийнинг ўлимидан сўнг унинг салтанатида саркардалар — диадохлар таҳт учун шафқатсиз кураш бошлаб юборадилар. Македония давлатининг харобаларида бир неча йирик-йирик эллин давлатлари барпо этилади.

Ўрта Осиёнинг жанубий районлари мелоддан аввалги 312 иили Селевк I Никатор ташкил этган селевкийлар империясининг бир қисмиги айланади. Бақтрияда (Шимолий Афғонистондаги ҳозирги Балх) зарб этилган биринчи тангаларниң пайдо бўлиши селевкийлар давлатининг шарқий областларида сатрапи (волийси) кейинчалик унинг подшоҳи бўлмиш Селевкнинг ўғли (Селевк ва машхур Спитаменнинг қизи Апама никоҳдан туғилган фарзанд) Антиох I номи билан боғлиқдир.

Бошида Селевк I ва Антиох I ларнинг муштарак эмиссиясида кумуш тангалари, кейинчалик эса ягона ҳукмдор сифатида Антиох I тангалари зарб этила бошлианди. Уларнинг орасида ғоят қимматбаҳо тангалар: статер, тетрадрахма ва драхмалар бор эди. Рисолада келтирилган Антиох I драхмасининг ўнг томонида шоҳ, унинг терсида мугузли тоғасири туширилган. Бир қанча вақт ўтганидан кейин, яъни мелоддан аввалги сўнгги иккӣ ѹйлик ичида зарб этилган Антиох I нинг тангаларига тақлидан талай ва хилма-хил сўғд тангалари пайдо бўлди.

Гарчи селевкийлар даврида тангалар Ўрта Осиёнинг жанубий районларида иқтисодий ҳаётга жорий этилмаган бўлса-да, ҳар ҳолда ерлик халқ улар билан яқиндан танишиб олди.

Дастлабки даврларда тангалар Ўрта Осиёнинг фақат грек аҳолиси орасидагина юритилган бўлса керак, чунки бу пайтда туб аҳоли ҳали пул-товар муомаласи юритишга ултурмаган эди, деб ҳисоблайди таникли совет тангашунос олими Е. В. Зеймаль. Бу жараён мелоддан аввал III аср, яъни икки мустақил: Парфия ва Грек-Бақтрия подшоҳ-



лиги пайдо бўлган даврда бошланган деб тахмин қилиш, ҳар холда ҳакиқатга хилоф бўлмаса керак. Аммо бу подшоликнинг биринчисида етакчи ролни Жанубий Туркманистонда яшовчи кўчманчи парилар қабиласидан чиққан одамлар ўйнаса, иккинчи ўринда олий нараб греклар туришган.

Юз йилдан сал зиёд, яъни мелоддан аввалги III асрдан то II асрнинг учинчи чорагигача ҳукм сурган Грек-Бақтрия подшолиги тангаларининг аксарияти медальер¹ санъатининг нодир намуналари деб ҳисобланади.

Грек-Бақтрия подшолигининг танга системаси аттик стандартта асосланган эди: тангалар асосан кумуш ва мисдан, баъзан тилладан зарб этиларди. Улар орасида Евкритнинг 20 статерли (160 г.) олтин тангалари, яъни антик дунё даврининг энг йирик олтин тангалари мавжуд. Бундай тангалардан иккитаси ҳакида маълумот бор. Бири, А. Семёновнинг гапига қараганда, Бухоро амири хазинасида сақланган, иккинчиси, Парижда сақланади.

Грек-Бақтрия кумуш тангалари, асосан, бир андозада бўлиб, ўнг томонида ҳукмдор подшонинг, терсида эса у ўзига пир қилиб олган маъбудларнинг, масалан, Зевс, Герақл, Посейдон, Аполлон, Диоскурларнинг тасвири туширилар эди.

Уларда подшонинг мартабасини, исмини ҳамда лақабини қараткич келишигига, масалан «подшо Антимах Худонинг» деб берувчи грек ёзувлари ярим доира ёки устунча шаклида жойлаштирилган. Бундан ташқари, танганинг терсида маъбуднинг тасвири ёнида бир неча грек ҳарфларидан иборат монограмма² ҳам бор. Монограмманинг нима учун кераклиги ҳалигача номаълум: баъзи тадқиқотчилар бу зарбхона номларининг қисқартириб ёзилгани деса, баъзилари тангаларни чиқариш учун масъул бўлган амалдорларнинг исмлари, ҳатто танга зарб этилган сана деб ҳам тахмин қилишади.

Грек-Бақтрия тангаларида андозага тушиб қолган тасвиirlардан чекиниш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, подшо Евкратид даврида зарб этилган тангалар ичизи ўнг томонида подшоҳнинг ўз сурати ҳамда «Улуғ шоҳ Евкратид» деган ёзув, терсида эса йигит ёки эррак ҳамда пешонасида тиллақош тақсан аёлнинг ён томонидан олинган сурати акс эттирилган. Суратнинг тагида: «Гелиокл ва Лаодика» деб ёзилган тангалар учрайди.

Аҳамонийлар дариги.
Эрамиздан аввалги VI-V асрлар.

Ахеменидский дарик
IV в. до н. э.

Achaemenid daric. IVth century B. C.

¹ Медальер — медаль ёки танга қўйиш ёки зарб этиш санъати.
(Тарж.)

² Монограмма — грек тилида монобир; грамма-ҳарф, ёзув. Бу ерда: тангада монограмма — танган зарб қилган уста ҳамда ҳукмдор исми-ширифларининг жимжимадор бош ҳарфи.
(Тарж.)

¹ Медаль-танга — биронта улуг зот, шарафли сана, қимматчилек ёки қаҳат, очлик ийллари мусабати билан зарб этилган танга. (Тарж.)

Александри, Диодор ва Евтидемлар шарафига бағышланған медаль-тангалар¹ ҳам дикқатта сазовор. Бундай медаль-тангалардан бири — Евтидем шарафига Антимах томонидан зарб этилган танга Панжакентда, Диодор ва Евкратид шарафига Агафокл томонидан чиқарылған учта танга Бухорода топпилған дафина ичи-дан чиқкан. Хиндистаннинг бир қисми Грек-Бақтрия салтанатининг таркibiغا күшилганидан кейин, баъзи хукмдорлар томонидан зарб этилган тангаларда хароштх ёзуви ва фил, зеба-буқа, кора қоплон тасвирлари пайдо бўла бошлади. Бу жиҳатдан Грек-Бақтрия мис тангаларида хилма-хил ҳайвонлар тасвiri берилган, баъзи тангалар эса қадим гандҳар зарбхоналари таъсирида тўртбурчак шаклини олган.

Қизиги шундаки, Грек-Бақтрия тангалари техникаий ижроси жиҳатидан ва хусусан, подшоҳларнинг сиймосини акс этиришдаги бадиий ифода усуллари жиҳатидан ҳатто энг баланд савияда зарб этилган эллада тангаларидан устун туради. Қадимги Грецияда Грек-Бақтрия тангалари Сицилиянинг декадрахма ҳамда тетрадрахмаси билан бир қаторда антик давр танга зарб этиш ишининг энг нодир намунаси ҳисобланарди. Уларнинг фикрича: «Танга зарб қилиш иши ўз бадиий қонунлари ва талабларига эга мустақил санъатдир».

Тангалarda акс этирилған Грек-Бақтрия подшоҳларнинг тасвирлари бу умумий тарзда қабул этилган ягона идеал ҳукмдорнинг тасвири бўлмай, балки подшонинг ўз чинакам суратидир. Подшолар бир-биридан фақат юз кўриниши билангина ажralиб турмайди. Мусаввирлар уларнинг ҳар бирининг аҳволи руҳиясини беришда ажинлардан, кўз боқишиларидан, лаб ифодаларидан унумли фойдаланганлар.

Парфия тангаларида тасвир этилган шоҳларнинг сиймоларини ҳар бир шоҳ сурати учун индивидуал бўлған тиара² шакли орқали фарқласа бўлади. Парфия шоҳларини бошқалардан фарқлайдиган белги бу «оссурний» типи деб ном олган қалин, узун, тўлкинсиз турувчи соқолдир. Танганинг чап томонида беш аср давомида ўзгармай қолган расмда — узатилған ўнг кўли билан ёй туттган шоҳнинг таҳтда ўтиргани ифодаланган. Унинг чор атрофида грекча ёзувлар. (Мелоддан аввалги I асрдан бошлаб тангаларда парфия тилидаги ёзувлар пайдо бўла бошлади.)

Ёзувларнинг мазмуни бир хил — ҳоқими мутлақнинг сифатлари ҳамда Парфия подшоҳлигининг асосчиси Аршакнинг номи, гоҳо подшоҳнинг ўз номи зикр этилган. Монограммада кўпинча танга қаҷон ва Парфия давлатининг қайси таксоли зарб этилгани ҳақидаги маълумотлар ёзилган.

Альбомимизда босилған Митрадат II, Синатрук, Фраат IV ва Фраат V, Вонон, Вологез II, Артабанларнинг кумуш драхмалари ҳамда Вологез I нинг кумуш тетрадрахмаси парфия танга зарб қилиш санъатининг энг яхши намуналари дандир. Марғиёна ҳоқими Санобарнинг мис тангалари ҳам парфия тангалари сирасига мансуб.

Мелоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида Ўрта

² Қадимги Шарқ подшоҳлари ҳамда Рим паналарининг бош қайими.
(Тарж.)

Осиё халқларининг этник ва сиёсий ҳаётида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Эрон кўчманчилари — Ўрта Осиёнинг шимоли ҳамда шимоли-гарбидаги бепоён чўлу биёбонларда яшовчи тўхар, ассия, пасий, сакаравл, юечки қабилалари бошقا кўчманчи қабилалар тазйики остида Грек-Бақтрия подшолигига қарши хужумга ўтиб, Шарқдаги сўнгти эллада давлатини ер билан яксон қилдилар.

Мелоддан аввалги II-I асрлар охирида бу қабилаларнинг бир гурухи Сўғд, иккинчи гурухи эса Бақтрия подшолигини эгаллашди. Бу даврда ҳар икки давлат бир пайтнинг ўзида «ёввойиларга тақлид» деб ном олган тангалар зарб эта бошлади ва бу тез орада кенг миқёсда тус олиб кетди. Бу тақлидларни Ўрта Осиё халқларининг танга зарб этиши ишида ибтидоий шакл дейиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки бундан аввал тангалар Бақтрия салтанатининг грек ҳукмдорлари томонидан зарб этилар эди. «Ёввойиларга тақлид»нинг иқтисодий ва юридик жиҳати бошقا кўпгина илмий аспектлари сингари Ўрта Осиё тангашун ослигининг энг мураккаб соҳаларидан бири деб ҳисобланади.

«Ёввойиларга тақлид», аслини олганда, ҳақиқий танганинг нусхаси бўлиб (ҳар қалай ибтидоий даврда шундай эди), асл нусхадан маъдан таркиби, вазни, тасвирининг сифати, пала-партиш ёзувлари билан ажрабиб туради. Зарб этишининг ҳар бир кейинги босқичида йўл қўйилган хато ва ўзгаришлар борган сайин кўпайиб, охир-оқибатда асл тангадаги тасвиirlар ва ёзувлар бутунлай ёки деярли бутунлай таназзулга юз тутди.

Ўрта Осиёда «ёввойиларга тақлид» тангаларини зарб этиши ҳамда уларни муомалага киритиш пул муомаласи ривожланган ёки бутунлай пул муомаласи бўлмаган областларда амалга ошириларди.

Сўғд ва Бақтрия подшоликларида Евтидем ҳамда Гелиокл тетрадрахмаларига ва Евкратиднинг обол¹ларига ўхшатиб зарб этилган тангалар кенг расм бўлган эди. «Ёввойиларга тақлид»нинг аксарият ҳолларда яхши томонлари ҳам бўлган: ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муайян бир палласида улар акс эттирган тасвиirlар ва ёзувлар бутунлай ёки қисман ўзгартирилган ҳолда маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақил зарб андозасига айланиб қолган. Бундай мустақил танга турининг намунаси сифатида расми ушбу рисолада келтирилган, афтидан Бухоро воҳасида зарб этилган Евтидем тетрадрахмасига тақлидан зарб этилган тангаларни айтса бўлади. Улардаги шоҳ Евтидем тасвири бошига тиара кийган маҳаллий ҳукмдорнинг тасвири билан, грек тилидаги ёзувлар (легенда²), сўғд ёзувлари билан алмаштирилган. Бақтрия давлатида Гелиокл ва Хоразмда Евкратид тетрадрахмасига тақлидан зарб этилган тангалар айнан юқорида зикр этилган йўлни босиб ўтган.

Эрамиздан аввалги дастлабки асрлардан бошлиб то эрамизнинг биринчи асрларига зарб этилган Сўғд тангалари бу жиҳатдан диққатга сазовордир. Бу даврнинг беҳисоб, турли-туман Сўғд тангаларини бир неча туркумга бўлиш мумкин:

1. Антиох 1. Селеўкийлар тангаларига тақлидан зарб

¹ О б о л — қадимги Грекияда сих шаклидаги пул, кейинчалик 1/6 драхмага тенг танганинг номи.

² Л е г е н д а — тангада учрайдиган барча ёзувлар, қисқартирилган сўзлар, алоҳида ҳарфларнинг атамаси. (Тарж).



Танга зарб қилиши учун ишлатыладыган үкөри ва үйи қолиплар.

Верхний и нижний штемпель для чеканки монет.

Mint die

этилган, терс томонида отнинг боши тасвири туширилган кумуш ҳамда мис тангалар. (Мелоддан аввалги II-І асрлар ҳамда эрамизнинг 1 асри.)

2. Селевкийлар ёки Александр драхмасига бориб тақалувчи, Геракл ва Зевс тасвири туширилган, аммо сўғд ёзув бор кумуш тангалар.

3. Чопиб кетаётган от ва тик турган тангри тасвири туширилган (икки алоҳида-алоҳида тур) Гиркод кумуш тангалари.

4. Тирандоз тасвири ҳамда сўғд ёзувлари (легенда) туширилган кумуш тангалар.

5. Грек тилидаги ёзувлари хирадашкан, пала-партиш сўғд ёзувлари бор Евтидем тетрадрахмларига тақлидан зарб этилган тангалар.

Сўғд тангаларининг аксарият қисми тўғри шаклдаги, юзи ўймали, вазни ва диаметр ўртамиёна кумуш тўгракчалари (Евтидем тангаларига тақлидан зарб этилган тангалар бундан мустасно)дан иборатdir.

Буларнинг орасида скифат, яъни бир томони қавариқ, иккинчи томони ботиқ, тирандоз тасвири тангалар алоҳида ўринда туради. Ҳозирги пайттacha мис сўғд тангалари дафиналари камдан-кам учрайди, сўғд танга системаси монометалли, яъни бир турдаги маъдан — кумушнинг ишлатилишига асосланган бўлиши мумкин. Сўғд тангаларининг ўнгидаги ҳукмдорнинг ён томонидан берилган сурати; терс томонида эса тирандоз, найза ушлаб турган маъбуд, чопиб кетаётган от ёки шоҳли от бошининг сурати берилган. Гиркод туридаги сўғд тангалари мелоддан аввалги II аср ва эрамизнинг I асрида Сўғд давлатини забт этган кўчманчи қабилалар ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган бўлса керак. Бу турдаги илк зарб этилган тангалarda фақат грек тилида имзо, ёзувлар, кейин грек-сўғд тилидаги муштарақ ёзувлар ва ниҳоят биргина сўғд ёзувлари мавжуд эди.

Бундай тангаларнинг ўнг томонида пешонаси тор, бурни катта ва бодомқовоқ ҳукмдорнинг тасвири бўлиб, унинг дўрдқоқ лаблари устидан шопмўйловлари осилиб турибди, иягидаги бир тутам соқоли, пешонасини қоплаган соchlари ҳафсала билан тараалган, сочига кўш тасма тангриб қўйилган. Даствлабки тангаларнинг терс томонида ўнг кўлида найза тутган, кифтлари узра олов ёлқинланувчи, нигоҳи тўғрига қараган тангри тасвири. Кейинчалик чопиб бораётган от сурати пайдо бўлади. Ҳукмдорларнинг антропологик типи, соч, соқол-мўйловларининг олиниш усули бир-бирига жуда ўхшаш, бунинг устига, худди шу аломатлар мелоддан аввалги биринчи асрда ва эрамизнинг биринчи асрида Бақтрия ва Сўғд подшоликларини босиб олган бошқа кўчманчи қабилаларнинг ҳукмдорлари жорий этишган тангалардаги тасвирга ўхшаб кетади. Булар ҳаммаси битта этник группадан чиқсан бўлиши ҳам мумкин.

Эрамиздан олдинги иккинчи асрда Хоразмда ҳам танга зарб қила бошланади. Даствлабки Хоразм тангалари Евкратид тетрадрахмларига тақлидан зарб этилган йирик кумуш тангалар бўлиб, асил нусхалардан фарқли ўлароқ, ёзувлари хирадашкан, терс томонида ўзига хос белги — тамға берлиги билан ажralшиб туради. Кейинчалик ўнг

томонида Евкратид тасвири маҳаллий ҳукмдор сурати билан ўзгартирилади ва хиралашган грек ёзувлари билан бир қаторда подшонинг исми ва унвони ҳақида маълумот берувчи Хоразм тилидаги ёзувлар, танганинг терс томонида эса суворийнинг тасвири пайдо бўлди.

Баъзи бир тадқиқотчилар Беруний маълумотларига асосланиб, тангада тасвириланган сиймо хоразмшоҳлар сулоласининг асосчиси суворий тангри Сиёвуш деса, бошқалар бу тасвирида подшо-тангри берилган, дейдилар.


Сўнг суворий-тангри тасвири тамға билан бир қаторда етти аср мобайнида, яъни Хоразм тангаси зарб қилиниши тугагунга (эрэмизнинг VII асри) қадар бу жойларда тарқалган барча тангалarda зарб этиб келинган, фақат тасвирининг шакл-шамоили ўзгариб турган холос.

Ўрта Осиё тангашунослигида учраган бу ажойиб воқеа бир сулоладан келиб чиқкан хоразмшоҳларининг издошлиги, қадимий анъаналарга содиқлигидан далолат берив туради. Альбомда келтирилган тангалар сурати хоразмшоҳларининг сўнгти даврида зарб этилган намуналаридан олинган. Бу Хоразм подшолари Бравик ҳамда Савушфандарининг кумуш тангалаидир. Улар бундан олдинроқ зарб этилган тангалардан шакл жиҳати билан, қалинлиги билан, шоҳ тасвири ва ёзувларнинг мазмуни, бирмунча замонавий зарб қилиниши усули билан ажралиб туради. Савушфандарининг ўнг томонида четта қараб турган, пешонасида ярим ой, ўзига ярашикли тож кийган, соқоли олинган шоҳнинг ўта таъсирчан тасвири берилган. Шоҳнинг бўйнида икки қатор маржон, боши узра тиллақош тасмалари ҳилпираб турибди.

Тангада шоҳ Савушфандарининг номи зикр этилган сўғд ёзуви бўлиб, унинг таржимаси: «Сиёвушдек донгдор» — демакдир. Танганинг терс томонида хоразм суворийларининг анъанавий тасвири ҳамда «Сиёвуш подшо ҳазратларис» деган Хоразм танга зарб қилиш услубига хос ёзув бор. Хоразмшоҳлар томонидан чиқарилган сўнгти тангаларда араб ёзувлари пайдо бўлиб, бу ўз ўрнида Хоразмда араб халифаларининг таъсири кучайганлиги, сўнгти хоразмшоҳлардан бири ислом динига кирганлигидан дарак беради.

Хоразмда шоҳ ва суворий тасвири туширилган анъанавий тангаларнинг зарб этилиши асримизнинг VII асри ўрталарида тугалланган бўлса керак.

Энди Ўрта Осиёнинг шимолий вилоятларини тарк этиб, янгидан жанубга, греклар «Минг шаҳар ўлкаси» (гарчи бу номда пича муболага бўлса ҳам, аслида ҳақиқатта яқин) деб аташган Бақтрия подшолигига қайтамиз. Бақтрия авваллари ҳозирги Шимолий Афғонистон, Ўзбекистон ва Тоҷикистон териториясида жойлашган бўлиб, чиндан ҳам буюн ҳамда ажойиб мамлакат эди. Бу ерда илик деҳқончилик маданияти пайдо бўлган, қадим замоннинг кудратли Грек-Бақтрия ҳамда Күшон подшоликлари асос топган. Бу ерда санъатнинг шоҳ асарларини тўплашган, бу ер йирик шаҳарлар маркази, улар орасида араблар «мадина ал-умма», яъни «шаҳарлар онаси» деб аташган «Бақри-Балх» шаҳри жойлашган



Танга зарб қилиш учун ишлатиладиган кўчма Рим қолипи.

Римский подвижной штемпель для чеканки монет.

Roman movable mint die



Қадим замон пул муоммасида ишлатилган каури-чаганоқ.

Раковина — каури.

A Kauri shell



*Танга зарблашни акс
эттируучи Постум шаҳри
тангаси.*

Монета города Постума с изображением чеканки монет.


Coin from Postum bearing a mint scene

Эди. Бақтриядада Ўрта Осиёнинг бошқа жойларига нисбатан анча эртароқ танга-чақа зарб қилина бошланган, товар-пул муомаласи эса юқори даражага кўтарилилган. Бақтрия тангаларининг қадимги тарихи ҳақида юқорида сўз юритган эдик. Энди Бақтрия буюк Кушон давлати таркибига кирган даврига бир назар ташлайлик. Бирок аввал бир кур тарих саҳифаларини варақламай ўтиб бўлмайди.

Эрамиздан аввалги II аср ўрталарига келиб, юечжи номли эрон қабиласи хунн қабилалари тазиикидан қочиб, Ўрта Осиёнинг жанубига кўчиб келади. Бошда юечжи қабиласи Бақтриянинг Амударё шимолидаги қисмини босиб олади, сўнгра бутун подшоликни забт этади. Бирмунча вақт ўтганидан кейин, юечжи иттифоки беш қисмига — мулкларга бўлинib кетади, уларнинг ҳар бирини қабила оқсоқоли — ёбгу бошқаради. Эрамиздан аввалги I аср боши ёки ўрталарида Кушон мулки тобора кучайиб, унинг ёбгуси Кужула Кадфиз ҳамма мулкларни бирлаштириб, Кобулистон ҳамда Гандхарни забт этади ва Кушон давлатини ташкил қиласди. Кушон давлати ўз аҳамиятига кўра, Ханъ империяси, Парфия подшолиги ва Рим салтанатига тенг, қадимги дунёнинг энг забардаст давлатларидан эди. Бу давлат эрамиздан аввалги I аср ўрталаридан то эрамизнинг III аср ўрталарига қадар, яъни 200 йилча яшади, аммо айни равнак топган пайти буюк Кушон подшохи Канишка даврига тўғри келади. Канишка эрамиздан аввалги II асрнинг биринчи ярмида, яъни Кушон давлати таркибига Ҳиндистон ва Афғонистоннинг талай террииториялари, Ўрта Осиёнинг жануб вилоятлари кирган даврда ҳукмдорлик қилган эди.

Кушонда танга зарб қилиниши баъзи бир тадқиқотчилар исмими «Герай», бошқалари эса «Санаб» деб ўқишган ҳукмдорнинг тангаларидан бошланади. Бу тангалар икки хил бўлиб, бири тетрадрахма, иккинчиси обол (бу ерда: чақа) эди.

Тетрадрахманинг ўнг томонида сочлари ҳафсала билан тараглан, пешонасига тасма боғлаган, юзларида гайрат-шижоат барқ уриб турган эркак кишининг белигача тушган сурати берилган. Танганинг терс томони киши дикқатини ўзига тортади: ўртада от минган шоҳ, унинг орқасида гулчамбар тутган Ника (Зафар) маъбудаси парвоз қиласди. Шу ернинг ўзида «Кушон ҳукмдори Герай Санабники» деган тўрт сўздан иборат грек



*Күжна Чоч тангаси. Үнги
ва терси.*

ёзуви бор. Бу сирли тангаларнинг ўргана бошланганига ҳам юз йилдан ошди: сўнгти икки ўн йиллик мобайнида тангашунослик илми қўлга кирилган янги маълумотлар ҳамда Халчаёнда топилган «Герай»чаларнинг ҳайкаллари Кушон ҳокими ҳукмронлик қилган даврга оид кашифийтлар қилишга имконият берди. Хусусан, таникли совет эроншуноси В. Л. Лившицнинг тахминига қараганда «Герай» сўзи исм эмас, сифат (эпитет) бўлиб, турк тилида «донгдор (қаҳрамон) зот», «Санаб» сўзи эса Санобар сўзининг қисқартирилган шакли бўлиб, «бало-гардон», «ёвкур» маъносини англатади. Аммо бу тангаларга оид кўп нарсалар ҳали ноаниклигича қолган. Кушон мис чақалари бундан ҳам ҳайратомуз ва сирлироқдир. Уларда ҳукмдорнинг исми йўқ, фақат мансаби ва лақабини англатувчи «Шоҳлар шоҳи (шаҳаншоҳ) Буюк халоскор» деган грек ёзувигина мавжуд. Илмда «Номаълум шоҳ» ёки «Сотер Мегас»нинг тангалари деб ном олган бу чақалар Ўзбекистон ва Тожикистон жанубида олиб борилган археологик қазилмаларда жуда кўплаб учрайди. Бу тангалар қайси Кушон шоҳи томонидан зарб этилгани ҳақида тинимсиз мунозаралар ҳалигача давом этмоқда. М. Е. Массон ва бизнинг фикримизча, уларни Кужула Кадфиз замонида зарб этишган, бошқа тадқиқотчилар фикрича эса тангаларни Кадфиз Вима чиқарған. «Сотер Мегас» тангаларининг ўнг томонида кўлида калта ва енгил найза — дротик ушлаган идеал шоҳ сиймоси акс этирилган. Дарвоқе, баъзи бир тадқиқотчилар бу шоҳ сиймоси эмас, балки маъбуд Митра деб тахмин қилишади. Танганинг терс томони ўртасида узатилган кўлида жанг болтаси — табар-загнул тутган отлиқ шоҳ тасвири ўйилган.

Кушон шоҳи Кадфиз II замонида пул ислоҳоти ўтказилиб, янги танга системаси асосий статери 8, 03 г. келадиган турли-туман сифатдаги тиллалардан зарб этишга асосланган бўлиб, икки хил танга жорий этилганди: бири 16, 07 г, иккинчиси эса 2, 01 г. Шунинг билан бир қаторда диаметр 23-25 мм, вазни 16-17 г. келадиган мис тангалар ҳам муомалага чиқарилганди. Тангаларнинг ўнг томонида бериладиган суратнинг доимий тури ҳам ишлаб чиқилди. Бу суратда юзи ён томонидан акс этирилган шоҳ меҳроб олдида тик турганича қандайдир диний ибодат адо этмоқда. Бу типдаги коҳин-шоҳ тасвири бошқа барча Кушон подшолигининг шоҳлари, шу жумладан, Канишка, Васудева, Канишка III танга-

*Древнечачская монета (III—IV вв. н. э.).
A. D.*

ларида (Хувишкага тангалари бундан мустасно) мавжуд. Күшон тангаларининг терс томонида берилган ҳомий маъбудалар тасвири айниқса мароқлидир. Кадфиз II ва Васудева тангаларида ҳомий маъбуда сифатида бука Нанда ёнида турган ҳинд маъбудаси Шива намоён бўлди. Канишка ва Хувишкага тангаларида маъбудалар ахли жам: (пантеон — маъбад) авесто динига мансуб Оташ, Вад, Мехр, Моҳ, Орлаги, Фарр, санамлар Нана ва Ардоҳш; грекларнинг Гелиоси, ҳиндуларнинг Буддаси, мисрликларнинг Сораниси.

Күшон тангаларида тасвириланган маъбуздарни ўрганиш кўп миллатли Күшон подшолиги халқларининг қурама дини тарихидан ғоят муҳим маълумотлар беради.

Ўз навбатида бу маълумотлар күшонликлар тасвирий санъати ривожининг услубий хусусиятини тушуниш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, Грек-Бактрия тангаларидаги подшоҳларнинг конкрет портретларидан фарқли ўлароқ, күшон тангаларида маълум бир шоҳнинг индивидуал портрети эмас, балки, умуман бир хукмдорнинг абстракт симоси берилади.

Тангаларда берилган маъбудалар нусхаси эҳромлардаги монументал ҳайкаллардан олингандан бўлса керак. Бактрия ёзма обидалари кашф этилишига қадар олимлар күшон тангаларини ўрганиб, мазкур подшоликда жорий этилган муҳим бир ислоҳот ҳақида маълумот олишга мусассар бўлишган. Шоҳ Канишка тангаларида олдинги грек ёзувларининг ўрнига бақтрия тилидаги ёзувлар пайдо бўлади, бақтрия тили шарқий-эрон тиллар мажмуасига киради. Бақтрия ёзуви асосидаги йигирма тўрт харфга яна бир сирғалувчи «сан» ҳарфи қўшилган холда грек тилини олишган.

Эрамизнинг III-IV асрлари Ўтра Осиё тарихида ижтимоий-сиёсий соҳаларида кескин ўзгаришлар даври бўлди. Қадимги дунёнинг сўнгти энг улкан ва забардаст давлатлари — Күшон ва Парфия инқирозга юз тутди, уларнинг собиқ ерлари янги, қудратли Сосонийлар давлатига қўшилиб кетди. Энди бу ерларга сосоний шоҳлари томонидан тайинланган ноиблар — күшоншоҳлар хукмонлик қила бошладилар.

Сосоний күшоншоҳларнинг тангалари икки туркумга: сосоний-күшон ва қүшон-сосонийлар тангаларига бўлиниди. Биринчи туркумга оид тангаларнинг ўнг томонида хукмдор күшоншоҳнинг ён томондан кўкраги билан олинган сурати зарб этилган, терс томонида эса муқаддас меҳроб ёнида зардӯштий динининг бош маъбуди Ахура Мазда янги шоҳга хукмдорлик белгиларини топшираётган манзара ёки пештоқлар остидаги тахтда ўтирган шоҳ тасвириланган. Иккинчи туркумга мансуб тангалар Күшон шоҳи Васудева тангалари андозаси билан зарб этиларди. Мазкур тангаларнинг ҳаммаси альбомда баён килинган.

Бундан ташқари, собиқ Күшон ўлкаларида Күшон шоҳлари Хувишкага, Васудева ва Канишкага III тангаларига қиёсан зарб этилган тангалар кенг жорий этилганди. Улар асл нусха тангалардан нафақат тасвиirlарнинг муштараклиги, сайқали билан, балки, вазн, диаметр, ва тайёрланиш сифати билан ҳам кескин фарқ қиласди. Танга

доиралари аксарият ҳолда кичик диаметрли, қалин, бейхшов шаклда бўларди.

Қизиги шундаки, айни пайтда Хоразмда ясси мис симдан ёпган нон шаклидаги тангалар зарб қилинади.

Қадимги замон таксолларида танга зарб қилиш техникиси инқирозга юз тутгани тасодифий ҳол эмасга ўхшайди. Бу воқеа Ўрта Осиё моддий маданиятининг бир қатор соҳаларида танглик бошлиланган вақтта тўғри келади. Баъзи бир тадқиқотчилар буни қадимги ижтимоий формациянинг умумий тангликка юз тутганинг ифодаси деб ҳисоблайдилар.

Шунинг билан бир қаторда эрамизнинг III-IV аслири Ўрта Осиё танга зарб қилиш ишининг тарихида, пул муомаласи жорий этилган территориялар тобора кенгайиб, танга зарб қилишнинг янги марказлари пайдо бўлганлиги қайд этилади. Маҳаллий мис тангалар биринчи бўлиб Кеш (ҳозирги Қарши ва Шахрисабз), Чоч (Тошкент облости) ва Бухорода пайдо бўлади. Тасвирий жиҳатдан Кеш тангалари алоҳида диккатга сазовордир. Тангаларнинг ўнг томонида ҳокимнинг кўксигача тушкан расми бор. Унинг сочлари ғалати тарзда тараалган: бош учидаги тасма билан турмакланган соч сим-сим паста салқиланган. Танганинг терс томонида эса орқа оёкларида туриб одам билан олишаётган шер тасвири берилган.¹ Бундай сюжет Ўрта Осиёда зарб этилган бошқа тангаларда учрамайди, аммо у эрамиздан олдинги IV аслири Киликия кумуш тангалари ҳамда Аҳамонийлар давридан бошлиб Эроннинг бир қатор санъат обидаларида қайд этилган.

Мазкур сюжет Кеш ҳокимларининг тангаларига қайси йўл билан келиб қолгани номаълум. Боз устига, бу тангаларда ҳоким тасвири ҳам ўзгача бўлиб, қадим Ўрта Осиёдаги бошқа тангаларда берилган ҳукмдорларнинг образларига ўхшамайди. Эрамизнинг V-VII аслирари — илк ўрта аср даври Ўрта Осиё тарихида кескин ўзгаришлар рўй берди; феодал тузум мустаҳкамланиб, тобора ривожланиб борди, унча катта бўлмаган давлатлар ташкил топди, бу давлатлар ўз навбатида беҳисоб майда, кўпинча мустақил ҳокимликлардан иборат эди. Бу даврга келиб, Ўрта Осиёнинг турли жойларида Шарқнинг курдатли давлатлари: эфталитлар (эрамизнинг V аслири иккинчи ярмидан VI асрнинг биринчи ярмигача); сосонийлар (эрамизнинг I аслири ва VII асрнинг ўрталаригача); турк хоқонлиги (эрамизнинг VI аслири иккинчи ярмидан VIII аср ўрталаригача) таъсирида бўлиб, ниҳоят VII асрнинг биринчи ярми охиirlаридан бошлиб Ўрта Осиё узил-кесил араб халифалиги (аввали Умавийлар кейин эса Аббосийлар) таркибига киради. Илк ўрта аср даврида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида талай ўзгаришлар юз берди: бу ўзгаришларнинг бошлиниши кўчманчи эроний ҳамда хионит, кидарит, эфталит каби тоғли қабилалар бостириб кириши, VI асрнинг иккинчи ярмидан бошлиб турк қабилаларининг келиши (натижада Ўрта Осиёнинг бир қатор вилоятлари турклашиши) билан белгиланади.

Моддий ва бадий маданият соҳаларида ҳам улкан



Шоҳ Канишканинг Қуашон тангаси.

Кушанская монета царя Канишки (первая половина II в. н. э.).

Kushan coin of king Kanishka. First half of II century A. D.

¹ Бу сюжет Гильгемеш афсонасига ҳам бориб тақалади. (Тарж.)



Термизшоҳлар тангаси, эрамиздан аввалги VI-V асрлар. Ўнги ва терси.

Монета термезшахов. (V-VI вв. н. э.).

Coin of Termez-Shahs. Vth-VIth centuries B.C.

ўзгаришлар юз бера бошлади. Турган гапки, танга зарб қилиш иши бу ўзгаришлардан четда қолмади. Бу ерда одатдагидан ташқари беҳисоб танга чекан¹лар пайдо бўла бошлади.

Тангаларни нисбатан иирик ўлкаларнинг (Сўғд, Хоразм) ҳукмдорлари, кичик улус ҳукмдорлари (Панжакент), ҳатто шаҳарлар (Масалан, Бухоро воҳасидаги Пайкенд) зарб қилишарди. Сиёсий ва анъанавий алоқалар таъсирида аксарият ўрта Осиё мулки амлоклари қудратли кўшни давлатларнинг тангаларидан нусха олиб, танга зарб қиласар эдилар. Масалан, сўғд ихшидлари ва бальзи бир турк ҳукмдорлари хитой тангаларига ўхшатиб думалоқ, ўртасида тўрт бурчак тешиги бор тангалар, Бухорода эса Сосоний сулоласидан шоҳ Варахран V тангаларига тақлидан тангалар зарб этишади. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида (Чагониён ва Термизда) бошқа Сосоний шоҳлар: Пероз (Фируз) (439-484) ҳамда Ҳусрав I Ануширон (531-579) тангаларига тақлидан зарб қиласар эдилар. Сўғд, Чоч, Чагониённинг бальзи ҳукмдорлари ўз тангаларининг иконографияси²га асослаб Византия тангаларини олишган. Альбомда сурати илова қилинган Чоч ва Чагониён тангаларининг ўнгидаги шоҳ ва маликанинг кўкрагигача туширилган тасвири бор. Олдинлари бундай тасвир ўрта Осиё танга зарбчилигида бўлмаган, аммо кўпинча Византия тангаларида, хусусан, император Юстиниан II (565-578) тангаларидаги (улардаги император ва малика София тасвири бор) учрайди.

¹ Чекан — (штампель) танга-чака, медаль ва шу кабиларни зарб қиласиган штамп, қолип. Бу ерда — зарб қиласандаги ёсил бўлган тасвир. (Тарж.)

² Иконография — бирон кишининг расмлари ёки ҳайкаларини ўрганиши ёки ёзиши. (Тарж.)

Фақат Хоразм қадимги анъаналарга содик қолди. Эрамизнинг биринчи асррида қолипга тушган иконографик схема: танганинг ўнгидаги ҳукмдор, терсида от мингдан шоҳ тасвири илк ўрта аср даврида ҳам ўзгармай қолди. Балки бу Хоразмнинг сиёсий ва иқтисодий турғунлиги ва мутаассиблигига боғлиқдир. Илк ўрта аср даврида ўрта Осиёнинг турли жойларида танга зарблаш кумуш ва мисга асосланган эди, тилладан танга зарб қилинмасди. Сўғд, Чоч, Истравшан, Еттисойда фақат мис чақалар зарб этиларди, кумуш тангаларга бўлган эҳтиёж эса сосонийларнинг кумуш тангалари билан қондирилган бўлса керак. Хоразм, Бухоро, Чагониёнда мис тангалар билан бир қаторда кумуш тангалар ҳам зарб қилинган. Ўрта Осиёга Византия олтин солидлари ҳам олиб келинган, аммо улар реал пул муомаласида бўлганми-йўқми бу бизга қоронғи. Аммо мазкур тангалар зеб-зийнат сифатида ишлатилган



индикациялар (яъни, ўнги ва терисида бир хил ўйма тасвирли тангалар) яратилишига олиб келди. Византия тангаларидан ясалган индикацияларни, ҳатто бу тангаларнинг ўзини ҳам Ўрта Осиёнинг қадимги қишлоқлару гўристонларида топиш мумкин.

Илк ўрта аср даврида антик даврга нисбатан танганинг ўнги ва терслари анчагина ўзгарди. Тасвиirlар бўртма эмас, сийқароқ, расмлар эса оддий чизила бошлианди.

Ёзувлар ва насабни билдирувчи тамғаси бор, аммо ҳукмдор ёки маъбуданинг тасвирисиз, шунингдек, ёч бир ёзувсиз тангалар юзага келди. Бундай ҳол илгари сира учрамаганди.

Ўрта Осиёнинг бир қатор вилоятлари тангаларини иконография нуқтаи назаридан қисқача тавсифлаб ўтайлик.

ЧОЧ. Бу вилоятнинг турли жойларида зарб этилган тангалар фоят хилма-хилдир. Кўпинча тангаларнинг ўнгинда тик бокувчи ёхуд юзини хиёл четга буриб турган ҳукмдор ёки шоҳ ва маликанинг сиймоларини кўриш мумкин. Аксарият ҳолларда бу тасвиirlар аниқ бир шахснинг портрет белгиларидан холи бўлади ва умумийлашган, баъзан ҳатто схематик образ тарзда ифодаланади. Тангаларда йирткич ҳайвон, яйдоқ от ва тута тасвиirlари ҳам тез-тез учраб туради. Бизнинг тахминимизча, бу жониворлар ҳукмдор урганинг ҳомий тотемлари бўлса керак. Тангаларнинг терси бир хил — ўртада тамға, унинг гир атрофида ҳукмдорнинг исми, унвони ҳамда мулк номи сўяд ёзувида берилган.

Кабарна мулкининг тангаларидаги иконография биз юкорида эслатиб ўтган доирадан тушиб қолади. Бундай тангалардан бирининг сурати альбомимизда иловга қилинган. Танганинг ўнгига бир-бирига тескари қараб турган ҳайвонларнинг каллалари бўлан безалган таҳт устида чордана куриб ўтирган ҳукмдорнинг тасвири бор. Ҳукмдор ўзи тўғри ўтирас-да, юзи четта бурилган. Унинг ўнг кўли «худо ярлақасин» мақомида кўтарилган, чап кўли эса калта қилич дастасидан маъжкам тутиб турибди. Бошининг чап томонида илоҳий-фазовий рамз маъносида юлдуз ва ярим ой тасвири берилган. Мазкур тангадаги илоҳий ҳамда дунёвий рамзларнинг муштараклиги, балки теократизм — яъни, бир одам қўлида қўшалоқ вазифа, ҳам коҳинлик, ҳам шоҳлик жамланганинг ифодаси бўлса ажаб эмас.

Ҳоким Роҳанч (Истравшан) тангаси. Эрамизнинг VII асри ва VII асрнинг биринчи ярми. Ўнги ва терси.

Монета правителя Роҳанча (Уструша на). VII — первая половина VIII вв. н. э.).

Coin of ruler of Rokhanch (Ustrushan). VIIth-first half of VIIIth century A. D.



Ҳоким Сатачар (Истравшан) тангаси.

Монета правителя
Сатачари (Уструшана).
Первая половина
VIII в. н. э.).

Coin of ruler of Sattachari (Ustrushan). First half of VIIIth century

СҮФД. Илк Сүфд тангаларининг ўнгидаги силлиқ сочли маъбуданинг тасвири бўлса-да, VII асрнинг ярмидан Сүфд ҳокимлари — ихшидлар ҳамда уларга тобе амлокдорлар тўрт бурчак тешкили, ҳеч бир тасвирсиз сийқа тангалар зарб қила бошлишади. Танганинг ўнгидаги курсив билан берилган сўғд ёзуви ҳукмдорнинг исми ва унвонини (масалан, «Шоҳ Шипшир») билдиради. Танганинг терсида эса ҳар бир ҳукмдорнинг ўз сулоласига хос белги берилган. Бундай тангалар улардаги исм ва унвонлар ўзгартирилиб, Еттисойда тургаш номли турк қабиласи, Бухоро воҳасида савдогарлар шахри бўлмиш Пайкент, Шимолий Тўхаристон ва Чочда зарб этиларди. Энг сўнгги Сүфд тангаларида эрамизнинг VII асрдан бошлаб сўғд ёзувлари билан бир қаторда қисқача араб ёзувлари хам пайдо бўла бошлияди.

ИСТРАВШАН. Қадимда ҳозирги Тоҷикистон ССР Ленинбод облости ҳамда Ўзбекистон ССР Жиззах областя териториялари жойлашган бу кичик ўлка ҳокимлари эрамизнинг VII аср иккинчи ярмида ва VIII асрнинг биринчи ярмида ўз мис чақаларини зарб қилишарди. Бу тангаларининг ўнгидаги сосонийлар тангаларига тақлидан бошига қанотли чамбар кийган ҳокимнинг тасвири берилган. Ҳоким Сатагари тангаларида бунинг ўрнига бутпарастларнинг донишмандлик рамзи бўлмиш фил тасвири берилган.

БУХОРО. IV-V асрда зарб этилган Бухоро мис тангаларининг ўнгидаги тож кийган ҳоким бошининг нуқталар билан ўралган тасвири, терсида эса сосонийларнинг тангаларига хос оташпаратлар меҳроби ёки тамфа берилган. Оромий тилидаги ёзув ҳукмдорнинг исми ва унвонини (масалан, «Асвор шоҳ») ифодалайди.

Эрамизнинг V аср ўрталаридан бу ерда Сосоний сулоласига мансуб шоҳ Вараҳран V тангаларига ўхшатиб кумуш драхмлар (Бухорхудотларнинг тангалари) зарб этиши йўлга кўйилди. Уларнинг ўнгидаги бошида жимжимадор тожли, сосонийлар шаҳаншоҳининг ён томондан олинган тасвири, терсида эса муқаддас олов кўриқчилари — мобедларнинг тасвири туширилган. Тангалардаги ёзув сўғд хатининг Бухоро шакли бўлиб, «Бухоро шоҳи» маъносини англатади.

Бир тарафида нортуга — бу «Авесто»да келтирилган



уруш маъбуди Веретратна бўлса керак — тасвири берилган мис тангалар ҳам кенг жорий этилганди.

ТЎХАРИСТОН. Ҳозирги Шимолий Афғонистон, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий районларида жойлашган бу илк ўрта аср ўлқасида тангалар, хусусан, кумуш тангалар зарб қилиш Сосонийларнинг кучли таъсири остида эди. Бу ерда сосонийларнинг турли-туман тангалари тарқалиши Пероз (Фируз) ва Ҳусрав I Ануширвонларнинг маҳаллий тангалари пайдо бўлишига олиб келди. Бу хил тангаларда қисқа-қисқа бақтрия, баъзан сўғд ёзувларидан иборат надчеканлар — тавқиъ (яъни тамға рамзи, рақамлар ва ҳарфлар), хилма-хил бош кийимлар кийган ҳукмдорларнинг ён томонидан олинган миниатюра суратлари, ҳатто ҳайвонлар тасвиirlари дикқатга сазовордир. Қадимда Сурхондәр њавзасида жойлашган Чагониён вилояти кумуш тангаларининг надчеканлари анча мароқлидир. Уларни дикқат билан тадқиқ этиш натижасида Чагониён Бақтрияга қарашли бўлиб, бу ерда бақтрия ёзуви амалда қўлланилгани матълум бўлди. Бундан ташқари, эрамизнинг VI-VII асрларида ҳокимият бошида турган Чагониён ҳокимларининг бутун бир сулоласи аниқланди.

Чагониён вилоятида ўнгида ҳоким ва малика тасвири туширилган юпқа мис тангалар ҳам зарб этиларди. Улар Чоч ва Сўғд тангаларига ўхшаб кетарди-ю, аммо тасвиirlарнинг ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб турарди. Расми альбомда келтирилган ўша тангалардан бири ғоят антиқа бўлиб, бундай хил танга дунёдаги бошқа ҳеч бир музейда топилмайди. Мазкур танга бошқаларидан Бақтрия тилидаги курсивли сўзлари борлиги билан ажralиб туради, ёзувнинг маъноси ҳали ҳамон аниқланмаган.

Тахминан шу даврнинг ўзида Чагониёнга қўшни бўлмиш термизшоҳларнинг чоғрок салтанатида гаройиб шакли тангалар зарб этила бошланади. Уларнинг баъзи бирлари ўта скифат (ёнгоқ пўчоги) шаклида бўлиб, бошқалари яссироқ, ўнгида қанотли чамбар кийган ҳукмдор сиймоси, терсида тамға тасвири, ёзувлари йўқ тангалар эди. Сосонийлар давлати таркибига кирган, Ўтра Осиенинг гарби-жанубида жойлашган Марғиёна ва Шимолий Ҳурсонда бу даврда ҳали тангалар зарб этилмасди. Марғиёнанинг бош шаҳри Марвда (ҳозирги Байрам-али атрофида) сосонийлар тангаларига тақлидан зарб этилган тангалар чиқаришарди.

Эрамизнинг 651 йили Марвни араблар босиб олиб,

«Арчания» (Бинокент) тангаси. Ўнги ва терси.

Монета «Арчания» (Бинакет). VII в. н. э.

Coin of „Archanya“ (Binaket). VIIth century A. D.

уни Мовароуннаҳрга юришларида ўзларининг таянч нуқтасига айлантиришиди. Эрамизнинг VII асри иккинчи ярмида Хуросоннинг араб волийлари Мовароуннаҳрга бир неча марта босқинчилик хужуми қилишиди, тахминан юз йил ўтганидан сўнг араблар бутун Ўрта Осиёни босиб олиб, уни Аббосийлар халифалиги таркибига кўшдилар. Араблар Ўрта Осиёга ислюм дини, араб тили ва ёзувларини олиб келдилар. Тангаларнинг ташки кўриниши ҳам бутунлай ўзгариб кетди. Агар араблар келган дастлабки даврларда тангаларда ҳали анъанавий тасвирлар сақланиб, янгилик қисқача араб ёзуви билан берилган бўлса, кейинчалик кўпинча куфа усули билан ёзилган ва наққошлик усулида бажарилган бир турдаги халифалик тангалари жорий этилди. Биринчи араб тангалари бўлмиш фелс ва драхмлар эрамизнинг VII асри ўрталари ва иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Ахсикент, Бухоро, Самарқанд, Кеш шаҳарларида зарб этила бошланди. Ўрта аср даврига келиб, Ўрта Осиё территориясида тангаларнинг беҳисоб ва хилма-хил турлари муомалага киритилган. Аммо бу борада бошқа китобда мулоҳаза юритамиз.